

СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ «СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНАЯ СРЕДА»

THE ESSENCE OF THE CONCEPT OF "SOCIO-SPIRITUAL ENVIRONMENT"

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12282139>

Кахарова Мунира Махамаджановна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ижтимоий фанлар ва халқаро муносабатлар кафедраси катта ўқитувчиси, сиёсий фанлар доктори

Аннотация: мазкур мақолада “Ижтимоий-маънавий муҳит” ва “Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш” тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Ушбу тушунчалар назарий таҳлилдан кўра амалиёт билан боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштирувчи омиллар ёритилган.

Калит сўзлар: *ижтимоий-маънавий муҳит, жамият, давлат, инсон, оила, қонун, ижтимоий ҳаёт, ахлоқ, ҳуқуқий меъёрлар, маҳалла, жамиятнинг маънавий қиёфаси.*

Аннотация: *в данной статье раскрывается сущность понятий «Социально-духовная среда» и «Здоровая социально-духовная среда». Эти концепции научно обоснованы на практике, а не на теоретическом анализе. Также выделены факторы, улучшающие социально-духовную среду.*

Ключевые слова: *социально-духовная среда, общество, государство, личность, семья, право, общественная жизнь, мораль, правовые нормы, соседство, духовный образ общества.*

Abstract: *this article reveals the essence of the concepts of "Socio-spiritual environment" and "Healthy social-spiritual environment". These concepts are scientifically grounded in practice rather than theoretical analysis. Factors that improve the socio-spiritual environment are also highlighted.*

Key words: *socio-spiritual environment, society, state, person, family, law, social life, morality, legal norms, neighborhood, spiritual image of society.*

Тарихдан маълумки, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш сиёсати “инсон – оила – жамият – давлат” тамойили асосида тартибга солинган. Ушбу сиёсат ўз даврига кўра, одатлар, тартиблар, қоидалар ва қонунлар асосида мустақамланиб келган. Масалан, Ману қонунлари – Қадимги Ҳиндистонда тахминан милoddан аввалги II асрларда вужудга келди. Бу қонунлар браҳманизм мактаблари томонидан тузилган бўлиб, унга диний куч бериш

мақсадида афсонавий, подшо Ману номи билан аталди. Мазкур қонунлар ўз тузилишига кўра 12 та боб, 2685 та моддадан иборатдир. Шунингдек, ундаги, қоидалар икки мисрالي шеърӣ йўл билан баён қилинган. У ўз мазмунига кўра диний, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси ҳисобланади. Ўз даврида мазкур қонун жамиятни тартибга солишда, сиёсатни юритишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш ибораси катта анжуманларда кўп бора айтилмоқда. Аммо шу ўринда қандай жамиятни носоғлом ёки соғлом дейилиши ҳақида ҳақли савол туғилади. Носоғлом жамиятнинг шаклланишига қандай омиллар сабаб бўлади. Уни сиёсий ва маънан соғломлаштиришда қайси технологияларни қўллаш яхши самара беради, каби саволларга аниқ илмий-амалий ечимлар берилиши лозим. Жамиятнинг соғломлилик даражаларини олимлар турли хил талқин қиладилар.

Профессор А.Эркаев “маънавий муҳит” тушунчасини маънавиятнинг таркибий қисми сифатида қуйидагича ёзади: “Инсонга жамият томонидан қўйиладиган мафкуравий талаблар” – дейди, “у ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний меъёрлар, маънавий муҳитни ташкил қилади”⁹⁴. Шу ўринда у маънавиятнинг мазмун-моҳиятини “маънавий муҳит” тушунчасисиз англаб бўлмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, соғлом маънавий муҳит ҳар бир инсонни тарбиялашини ва ҳаётӣ фаолиятини кўрсатиб беришига ишора қилади. Шу билан бирга, олим ижтимоий-маънавий муҳитни ибтидоий даврида ҳам бўлганлигини ва ер шарининг айрим жойларида ҳали ҳам мавжудлигини тушунтиради.

Ҳақиқатдан ҳам шундай одамлар борлигини Буюк Британия академияси томонидан доктор Каролин Хау бошчилигида Шарқий Африкадаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишга қаратилган “Қадр-қиммат, мерос ва тараққиёт” йўналишида ўтказилган тадқиқотлардан кўриш мумкин. Унга кўра, сўнгги ўнлаб йиллар давомида Шарқий Африка чўпон жамоалари жамиятига асосланган фаоллик ва ривожланиш ташаббусларининг маркази бўлиб келган, бу эса кўпинча чорвадорлар учун расмий қарашларига зид келади. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, деҳқончилик, чорвачилик ва маданиятнинг ривожланиши мазкур жамиятда яратилган соғлом маънавий муҳитга боғлиқ экани хулоса сифатида берилади. Шу билан бирга, уларнинг фаровон ва яхши ҳаёт ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хослигини чиқарилган хулосаларда кўрсатилган.⁹⁵

Шунингдек, профессор М.Қаҳҳорова ҳам диссертациясини жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитдаги муаммолар ва унинг ечимларига бағишлайди. У кўпроқ жамиятдаги ахлоқлик масалаларига эътиборини қаратади. Демак, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит макро даражада одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларини, ижтимоий-маънавий онгни белгиловчи омиллар

⁹⁴ А.Эркаев. Маънавиятшунослик. Маънавият онтологияси ва феноменологияси МОНОГРАФИЯ. 1-китоб. Тошкент “Маънавият”: 2018. Б-41-43.

⁹⁵ <https://www.sheffield.ac.uk/gsd/research-themes/projects/dignity-heritage-and-development>

мажмуини, микро даражада эса, инсон бевосита яшайдиган оила, маҳалла жамоаси, у таълим тарбия оладиган, меҳнат қиладиган бевосита ҳам билвосита унинг муайян даражадиги миллий, маънавий, мафкуравий иммунитетини ўстирадиган масканларини ўз ичига олади⁹⁶.

Ижтимоий-маънавий муҳит тушунчаси икки хил, яъни кенг ва тор маънода таърифлаш мумкин. Тор маънода у, маълум бир давлат аҳолисини яшаши учун давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар бўлса, кенг маънода эса ана шу давлатда истиқомат қилаётган аҳолининг давлат ва жамиятнинг ривожланишига бўлган муносабати ва иштироки дейиш мумкин. Демак, ҳар икки тараф ҳам жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитини яратувчилари ҳисобланади. Қай даражада соғлом жамият яратилиши фақатгина давлатнинг ўзигагина эмас, балки аҳолининг ижтимоий-маънавий онги, фикрлаш тарзига ҳам боғлиқ.

Юртимизда фаолият олиб бораётган олимларимиздан Н.Жўраев Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюцияси ва амалиётда қўлланилиши⁹⁷, Ш.Пахрутдинов эса мустақиллик ва жамият тараққиётига таҳдид муаммоларини сиёсий таҳлил қиладилар.⁹⁸ А.Мухторов жамиятнинг миллий ғояси такомилда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги⁹⁹ ҳақида изланишлар олиб борган бўлса, Р.Рўзиева жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари¹⁰⁰ борасида диссертация ёзади. Шунингдек, олимимиз О.Мусаев диссертациясида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларига¹⁰¹ эътиборни қаратиб, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғлом бўлиши миллатлараро тотувлигига боғлиқ экани илмий асослайди. Х.Аҳмедов Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасини ижтимоий-сиёсий таҳлил қилади.¹⁰² Олима А. Байриева эса жамият тараққиётини таъминлашда вакиллик ҳокимиятини ўрни ва фуқаролик жамияти институтларининг самарали ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш зарурлигини таҳлил қилади.¹⁰³

⁹⁶ Қаҳҳорова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Диссертация. 2012 йил.

⁹⁷ Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюцияси ва амалиётда қўлланилиши. Сиёсий фанлари докторлик диссертация. 2001 йил.

⁹⁸ Пахрутдинов Ш. Мустақиллик ва жамият тараққиётига таҳдид муаммоси (сиёсий таҳлил тажрибаси) Сиёсий фанлари докторлик диссертация. 2002 йил.

⁹⁹ Мухторов А. Миллий ғоя такомилда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги. Фалсафа фанлари докторлик диссертацияси. 2011 йил.

¹⁰⁰ Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари. Фалсафа фанлари докторлик диссертацияси. 2012 йил.

¹⁰¹ Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари. Фалсафа фанлари докторлик диссертацияси. 2017 йил.

¹⁰² Аҳмедов Х. Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси (ижтимоий-сиёсий таҳлил). Сиёсий фанлар докторлик диссертацияси. 2018 йил.

¹⁰³ Байриева А. Жамият тараққиётини таъминлашда вакиллик ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг самарали ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш. Сиёсий фанлари докторлик диссертацияси. 2021 йил.

Юқоридаги олимларимизнинг илмий асарлари “Ижтимоий-маънавий муҳит” ва “Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган. Шунингдек, мазкур тушунчалар илмий назарий таҳлилдан кўра, амалий ишларнинг тартибга солиш маъносида Президент қарор, фармони ва ҳукумат қарорларида келтирилган. Жумладан, 1998-йил 26-мартдаги 130-сонли¹⁰⁴ қарорининг асосий мазмун-моҳияти мамлакатнинг ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришга бағишланган. Аниқроғи, қарорда миллий-маънавий ва диний ақидапарстликнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш, ўлкамизда ижтимоий-маънавий ва сиёсий муҳитни янада соғломлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш мақсади белгиланган эди.

Шунингдек, 2020-йил 18-февралда аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони имзоланди.

Мазкур қарор ва фармоннинг биринчиси диний-маърифий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчиси маҳалла ва оила институтини такомиллаштиришга қаратилгандир. Ҳар иккиси ҳам жамиятдаги маълум бир тартибларни белгилаш ва аҳоли билан яқиндан ишлашга мўлжалланган. Аниқроқ қилиб айтганда, амалий ҳаракатларни ташкил этиш кўзланган. Чора-тадбирларида белгиланган вазифаларининг аксарияти аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, диний-маърифий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, одамларнинг онги ва тафаккурини ўрганиш ва аниқлашга дахлдорлиги камроқ белгиланган. Айниқса, аҳолининг онги-тафаккурини илмий жиҳатдан ўрганиб таҳлил қилиш вазифалари белгиланмаган.

Демак, бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг қанча қисми соғлом ёки носоғлом, деган масала бизни ўйлантиради. Соғломлилик даражасини қандай аниқлаймиз, соғломлаштириш механизминини яратилиши зарурми каби саволларга мутахассислар ўз жавобини бериши керак. Чунки бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитига таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Юқоридаги ижтимоий-маънавий муҳит тушунчасига яна тўхталадиган бўлсак, давлат томонидан аҳолининг яхши яшаши учун етарлича шарт-шароитлар яратиб келинмоқда. Айниқса, сўнгги 5-6 йиллар давомида соҳалардаги ислохотлар жадаллашди. Бундан аҳолини хабардор этиш ва уларнинг тушуниб етишлари учун

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz>

технологиялар етарлича ишлаб чиқилмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган нутқида ҳам жамиятимизнинг янги маънавий қиёфаси шаклланиб бораётгани, халқимиз дунёқараши ўзгараётгани, бу эса ҳар куни ўз ҳаётимизда, кўча-кўйда, обод маҳаллаларда, оилалардаги тўқислик муҳитида, халқимиз ҳамжиҳатлиги руҳида сезилаётгани таъкидлади.¹⁰⁵ Ҳақиқатдан ҳам бу ислоҳотларнинг ҳаммаси жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга қаратилган. Шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини юксалтириш кўзланган.

Манбаларда “Ижтимоий муҳит – одамларнинг ижтимоий мавжудот сифатидаги асосий билим, тажриба ва кўникмаларини, хусусиятларини шакллантирадиган моддий ва маънавий шарт-шароитлар мажмуаси”¹⁰⁶ сифатида таъриф ҳам берилган. Бунда одамларнинг ижтимоий яшаш тарзини яхшиласак, шунда маънавияти юксалиши мумкинлиги келтирилган.

“Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш” – иш, турмуш, дам олиш, ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолият соҳаларида одамларнинг мулоқоти, хулқ-атвори ва менталитетининг хусусиятларини белгилаб, “турмуш тарзи”, “ҳаёт тарзи” тушунчалари шаклида “портрет”, яъни “қиёфа” маъноларини келтирмоқда. Шунингдек, мазкур тушунча шахслар ва ижтимоий жамоаларнинг кундалик ҳаётидаги (табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқалар) муносабатларни шаклланишида акс этади. Баъзан бу концепция ҳаёт ва хулқ-атвор турининг (“Совет” ёки “Америка”, “Ғарбий” ёки “Шарқий”, “социалистик” ёки “капиталистик” турмуш тарзи) шаклланиши ва цивилизациявий хусусиятлари учун ишлатилган. Инсоннинг турмуш тарзи маълум даражада шахснинг ўзига хос психологик хусусиятларига (характер, темперамент, индивидуал фикрлаш тарзи ва бошқалар) боғлиқ ва шунинг учун “рационал” ёки “иррационал” бўлиши мумкин. Ушбу тоифанинг интеграл ва операцион имкониятлари “турмуш даражаси”, “ҳаёт сифати” ва “турмуш тарзи” каби тушунчалар билан таққослаганда амалга оширилади ва намоён бўлади. Шунингдек, уларни конкретлаштириш ва ушбу жуда мураккаб ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишлари деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳаёт тарзини тушунишга ижтимоий-маънавий ёндашув, яъни, у одамлар ҳаётининг амалдаги фаолият шакллари социологик, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа ҳар қандай “аспект” (демографик, психологик, тиббий ва бошқалар) ўрганиш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳаёт тарзи инсоннинг турли вазиятларда хулқ-атвори, мулоқоти ва тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Бу тушунча инсон фаолиятида, шунингдек, унинг ижтимоий фаолиятида, қизиқиш ва эътиқодларини ифодалашда намоён бўлади. Ҳаёт тарзи ҳар бир авлод учун ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга, чунки унга турли даврларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий

¹⁰⁵ “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2022 йил 1 сентябрь кунги 179-сониди.

¹⁰⁶ Қ.Назаров. Маънавият асосий тушунчалари луғати. Луғат. Тошкент.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2021. Б-196

жиҳатлари таъсир қилади. Ҳаёт тарзининг асосий таркибий қисмлари меҳнат (ёшлар учун ўқиш), кундалик ҳаёт, шунингдек, хулқ-атвор одатлари тизимидир.

Олимлар бу концепцияни тўрт тоифанинг синтези сифатида кўриб чиқадилар: иқтисодий (турмуш даражаси), ижтимоий-сиёсий (турмуш тарзи), социологик (ҳаёт сифати) ва ижтимоий-психологик (турмуш тарзи).

Инсонни турмуш тарзи, унинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳолатига таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланади. Турмуш тарзи кўпинча маълум бир шахснинг хулқ-атвор тури сифатида қаралади: унинг фаолияти, дунёқараш хусусиятлари, уй-рўзғор одатлари ва бошқалар. Бироқ, кенгроқ маънода турмуш тарзи оила ва халқ каби ижтимоий гуруҳларга ҳам хосдир. Оиланинг турмуш тарзи, қоида тариқасида, турмуш ўртоқларнинг умумий манфаатларига, кундалик ҳаётни умумлаштиришга, бир-бирлари билан бирга яшашни афзал кўришга асосланади. Оиланинг турмуш тарзи оила аъзоларининг психологик яқинлигига асосланади. Айрим халқларнинг турмуш тарзи тарихий жараён давомида шаклланган тушунча ҳисобланади. У ҳар бир янги авлодга ўтиб келган анъана ва меъёрларга асосланади. Халқларнинг хулқ-атвор хусусиятларига, ижтимоий-иқтисодий идрокига ҳам айнан анъана ва меъёрлар таъсир қилади.

Инсоннинг турмуш тарзига давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий даражаси, тиббий ёрдам даражаси, экологик хавфсизлик даражаси, шунингдек, психологик омиллар таъсир қилади. Шахснинг турмуш тарзига у мансуб бўлган халқнинг турмуш тарзи, хусусан, урф-одатлари, анъаналари ва маънавияти ҳам таъсир қилади. Халқнинг турмуш тарзи кўпинча давлатнинг сиёсий мафқурасига боғлиқ холда шаклланади.

Ҳаёт тарзининг яхлит тизими ва тузилишида умумий, махсус ва бирлик диалектикаси ўзини намоён қилади ва ўзига хос тарзда юзага келади. Ҳаёт тарзи турмуш шароитларига боғлиқ бўлса-да, маълум бир жамиятнинг умумий типологик хусусиятларини, “ҳаёт тартибини” ўзига сингдиради ва акс эттиради, уни бир қатор ҳолатлар ва маълум “боғлиқ” хусусиятларнинг синтезига қисқартириб бўлмайди. “Ҳаёт тарзи” тушунчасининг ўзига хослиги ва мазмунли қиймати инсон ҳаётининг шакллари кўриб чиқиш ва баҳолаш предметига айланганда намоён бўлади, яъни, жамият томонидан шакллантирилган индивидуал ва ижтимоий гуруҳларнинг мавжудлиги ва ривожланиши (ишлаб чиқариш) шакллари, тарихий даврдир. Бироқ, турмуш тарзи – бу маълум ижтимоий, маданий, касбий, этник ва бошқаларнинг умумий шароитлари, фаолияти ва хулқ-атвори нормаларининг шахсий бўлмаган экстракти эмас. Умумжаҳонда турмуш тарзи шахсларнинг ўз борлиги ва фаолиятини ўзига хос шакллари танлаш имкониятларига қараб белгиланади. Уларнинг яшаш тарзи мутлақ эркинликка асосланган. Лекин, ҳар доим шахс ва жамоаларнинг ўрнатилган ҳаёт шароитлари ва турмуш тарзига бўлган муносабатини ҳисобга олиши

керак. М.Вебер¹⁰⁷ “турмуш тарзи” тушунчаси ўрнига “ҳаёт тарзи” тушунчасини афзал кўрган ҳолда, иккинчисини жамиятнинг табақаланиш фарқлари ва бўлинишини энг муҳим белгиловчи омили деб ҳисоблади. Ижтимоий ҳаракат бирлиги сифатида у одатлар, қадриятлар, эътиқодлар, ор-номус тушунчалари ва бошқа психологик мотивларни ўз ичига олган муайян турмуш тарзига асосланган одамларнинг Стенд-жамоасини ажратиб туришини ёзади. М.Вебернинг фикрича, ҳар бир турмуш тарзида, одамлар муайян ғоялар ва хатти-ҳаракатлар ўзларига ўзлаштирадilar. Бу ғоялари билан одамларнинг турмушлари ё яхши бўлиши ё вайрон бўлишига хизмат қилиши мумкинлигини, у, таъкидлайди.

И.Кант “таълим маънавияти”ни турмуш тарзининг энг муҳим элементи, яъни ахлоқий жиҳатдан яхши фикрлаш тарзини сингдириш, уларсиз маънавиятнинг фақат “ташқи кўриниши” яратилишини назарда тутди.¹⁰⁸ Шунингдек, у ҳаёт тарзини жамият маънавиятининг табиати ва ҳолатига боғлиқлигини тарихий жиҳатдан ёритади. К.Маркснинг фикрича, “мамлакатларда одамларнинг меҳнаткаш бўлиб яшашлари учун зарур бўлган воситалари турличадир”¹⁰⁹ жамият, гуруҳ ёки шахс маънавиятининг ўзига хос хусусияти нафақат маълум бир турмуш тарзининг кадр-қимматини очиб беришга, балки кўплаб хусусиятлари ва қарама-қаршиликларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, тўғридан-тўғри муайян жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-мафкуравий шароитларидан келиб чиқади (масалан, АҚШ ва Япониядаги каби бир турдаги ижтимоий тузилма доирасидаги “ғарбий” ва “шарқий” турмуш тарзи ўртасидаги фарқлар).

Дунёнинг глобаллашуви шароитида парадигмаларни ўзгартириш ва “глобал турмуш тарзи”ни шакллантириш масаласи кескинлик билан кўтарилаётган ҳозирги вақтда турмуш тарзи муаммосига қизиқиш сезиларли даражада ошди. Мавжуд турмуш тарзи тақдири ва XXI асрда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт дунёси фаол муҳокама қилинмоқда.

Бугунги кунда Ғарб олимлари томонидан замонавий жамият, инсон қиёфаси, турмуш шароит ва ҳаёт тарзи ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар қилинмоқда. Улар одамлар севимли машғулотлари билан шўғулланиши, даромад даражаси юқори бўлиши, бўш вақтини кўнгилхушлик билан ўтказиш, мусиқа тинглашни афзал кўриш, қайси машинани ҳайдаши, дам олишни ҳорижнинг сўлим жойларида ўтказиши кабиларни турмуш тарзи деб кўрсатишмоқда. Шарқда эса, турмуш тарзини оила қурилиши, оилада қадриятларни устувор қўйиш, оилада даромадларини кундалик ҳаражатларига тўғри тақсимлаш, илм олиш, тарбия механизмини яхши ишлаши кабилар”, деб, қарашлар асосий ўринга қўйилмоқда.

¹⁰⁷ Veber M. Protestant axloqi va kapitalizm ruhi. Tarjima. Milay Kokturk. BilgeSu Yayıncılık. 4. bosim. Qizilay, Anqara 2019. bet. 46

¹⁰⁸ Кант. И. Соч. 6 жилдда, 6-в. М., 1966, 18-бет.

¹⁰⁹ К. Маркс, Ф. Энгелс Соч., 47-в., М., 1973, 42-бет.

Зеро, дунёда ҳали пандемия шароити тўлиқ барҳам топгани йўқ. Аммо аксар одамлар бу даврда саломатлигини йўқотгани сабабли, соғлом турмуш тарзига риоя қилишга одатландилар. Бунда, тўғри овқатланишга эътиборни кучайтириб, кундалик бўш вақти спорт билан шуғулланишга сарфлашга ўрганди. Ҳатто бу давлат томонидан тартибга солишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Одамлар ҳар кун истеъмол қиладиган озиқ-овқатни қаерда ва қандай етиштирилиши ҳақида ташвишлана бошладилар. Тана ва руҳни тоза ҳамда соғлом бўлиши учун қандай қилиб тўғри медитация қилишни билмаслигини мажбуран тушуниб етди. Натижада аҳолининг ҳаётий турмуш тарзи аввалги ҳолатидан тубдан ўзгарди. Ниҳоят, саломатлик билан шуғулланиш кундалик одатга айланди. Мамлакатимизда ҳам бу борада, яъни соғлом бўлиш, тўғри овқатланиш, ва спорт билан шуғулланишга қаратилган алоҳида дастурлар қабул қилинди. Бу масалага илмий ва тиббий нуқтаи назардан ёндашишни ҳам тақлиф этилди. Буюк аждодимиз Ибн Сино ўғитлари ва унинг таъботига эҳтиёж сезилиб, тарғиботи кучайтирилди. Натижада одамларнинг турмуш даражаси ўзгарди. Бу ўз навбатида, давлат сиёсатининг инсон саломатлиги борасидаги ислохотлари янги босқичга олиб чиқилди. Жамият, давлат ва инсон ўртасига сиёсий жараёнларга ўзгаришлар киритилди.

Турмуш даражаси – бу аҳоли фаровонлиги, неъматларни истеъмол қилиш даражаси, инсоннинг асосий эҳтиёжлари қондирилиши миқдоридир. Турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари (индикаторлари) – аҳоли даромадларидир.¹¹⁰ Бу таъриф инсоннинг ижтимоий-иқтисодий таъминот эҳтиёжи ҳисобланади. Маънавий эҳтиёжлари эса инсон руҳиятининг соғломлиги билан изоҳланади. Агар инсоннинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўп бўлса, турмуш даражасининг ҳолатлари салбий тусланади.

1960-йилда БМТ томонидан аҳоли турмуш сифатини акс эттирадиган биринчи халқаро кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Бу тизимнинг охириги варианты 1978-йилда ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги 12 та асосий кўрсаткичлар гуруҳини қамраб олган:

- 1) аҳолининг демографик хусусияти;
- 2) турмушнинг санитария-гигиена шароитлари;
- 3) озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши;
- 4) турар жой шароитлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол неъматлари билан таъминланганлик;
- 5) таълим ва маданиятни ташкил этилганлиги;
- 6) иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари;
- 7) аҳолининг даромадлари ва харажатлари;
- 8) турмуш қиймати ва истеъмол нархлари;
- 9) транспорт воситалари;
- 10) дам олишни ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт;

¹¹⁰ Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 542 б. Б.240.

11) ижтимоий таъминот;

12) инсон эркинликлари.

Мазкур кўрсаткичларнинг аксар қисми ҳам аҳолининг ижтимоий-иқтисодий таъминланишига қаратилган. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари, сиёсий фаоллиги, маънавий кўмак олиш эҳтиёжлари эътиборга олиниши керак эди. Бу давлатнинг сиёсий имижини ҳам кўрсатиб беради.

БМТнинг Ривожланиш дастури томонидан 1990-йилдан бери жаҳон мамлакатлари аҳолисининг турмуш даражаси ва турмуш сифати эълон қилиниб, жамият ва инсонни ижтимоий-иқтисодий томондан ривожлантириш мақсадида ҳар йили глобал миқёсдаги маърузаларида кўрсаткичларни бериб боради.

“Ижтимоий муҳит деб кишилар ўртасида адолатпарварлик тамойиллари асосида ташкил этилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий муносабатларнинг қанчалик даражада уйғунлашган тарзда ҳаракат қилишлари натижасида жамиятда вужудга келган ҳолатга айтилади”¹¹¹ – деб ёзади, Ж.Я.Яхшиликков, Н.Э.Мухаммадиевлар. Бу билан улар, бунёдкор ғоя ва мафкуралар тинчлик ва сиёсий барқарорлик ҳукм сурадиган ижтимоий муҳитни яратишга ҳаракат қилади, вайронкор ғоя ва мафкуралар эса жамиятда ечимини топиш мушкул бўлган зиддиятлар, урушлар, жанжаллар, ғийбат ва бўҳтонлар, зўровонлик каби қусурлар илдиз отган ижтимоий муҳитни яратишга интиладилар, – дея, таъкидлайдилар. Демак, жамиятда зарур соғлом ижтимоий муҳитни яратмай туриб, муайян ғояларнинг устуворлигини таъминлаб бўлмайди. Яратиладиган ғоялар ва мафкуралар жамиятнинг сиёсий, маънавий ва ижтимоий соғлом муҳитига боғлиқ.

Юқорида келтирилган ҳаёт тарзининг шаклланишига аниқ таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар инсоннинг ижтимоий ва касбий мансублиги ҳамда синфий позицияси параметрларида ифодаланади, яъни, келиб чиқиши, таълим ва тарбия масалаларида, дин, жинс, шунингдек, қуйидагилар билан боғлиқ бўлган таркибий қисмларда кўришимиз мумкин:

- бандлик;
- иш ҳақи ва даромад миқдори;
- қизиқишлар профили – ижтимоий, интеллектуал ва бошқалар.

Ҳаёт тарзида инсон ўзининг қиймат йўналишларини, ўрганилган ахлоқ меъёрларини, одоб-ахлоқ қоидаларини, ижтимоий ва дунёқараш меъёрларини амалга оширади.

Ушбу стандартнинг регуляторлари қуйидаги таъсир механизмларини ўз ичига олади:

урф-одатлар;

анъаналар;

адекватлик нормалари (ижтимоий);

¹¹¹ Яхшиликков Ж.Я., Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти. Тошкент.: 2017. – Б.64.

обрў ёки мақом мезонлари.

Юқорида айтилганларнинг барчаси, биринчи навбатда, унинг асосий параметрларининг сезиларли барқарорлигини ва уларни кўпайтиришнинг анъанавий хусусиятини белгилайди. Бироқ, мутахассислар бу ҳодисани тўлиқ “қатъий” деб ҳисобламайдилар. Таъкидланишича, айнан шу шароитларнинг ўзгариши билан мавжуд турмуш тарзи параметрлари мос равишда ўзгаради.

Давлат сиёсатида саломатлик ҳар бир инсоннинг, умуман, бутун жамиятнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи давлат ва жамиятнинг сиёсий мақсад ва вазифаларини бажаришига, режаларини муваффақиятли амалга оширишга, қийинчиликларни енгишга ёрдамлашади. Инсоннинг ўзи томонидан қўллаб-қувватланадиган ва мустаҳкамланган яхши соғлиқ унга узоқ ва қувончли ҳаёт кечиришига имкон беради.

Зеро, инсон турмуш тарзининг асосий таркибий қисми унинг меҳнати бўлиб, у моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ ўз фаолиятини ифодалайди. Инсоннинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, унинг самарали меҳнат фаолиятига бўйсунисида. Ишлайдиган одам маълум бир ритмда яшайди: у маълум бир вақтда туриши, ўз вазифаларини бажариши, овқатланиши, дам олиши ва ухлаши керак. Ва бу ажабланарли эмас – табиатдаги барча жараёнлар у ёки бу даражада қатъий ритмга бўйсунисида: фасллар алмашинади, тун куннинг ўрнини эгаллайди, кун яна туннинг ўрнига келади. Ритмик фаолият ҳаётнинг асосий қонунларидан бири ва ҳар қандай асарнинг асосларидан биридир.

Ҳаёт тарзи элементларининг оқилона комбинацияси инсоннинг янада самарали меҳнатини ва унинг соғлиғи юқори даражасини таъминлайди. Инсоннинг меҳнат фаолиятида бутун организм бир бутун сифатида иштирок этади. Дам олиш масаласига ҳам тўхталиб ўтишимиз керак. Дам олиш – бу куч ва меҳнат қобилятини тиклашга олиб келадиган дам олиш ҳолати ёки кучли фаолият ҳисобланади.

Меҳнат қобилятини тиклашда энг самаралиси бўш вақтдан оқилона фойдаланиш имконини берувчи фаол дам олишдир. Меҳнат турларининг алмашилиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг уйғун комбинацияси, жисмоний, маънавий куч-қувватнинг самарали тикланишини таъминлайди. Инсон ҳар куни, ҳар ҳафта дам олиш кунлари, ҳар йили кейинги таътилда дам олиши, бўш вақтини жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш учун сарфлаши керак.

Шунинг учун инсон соғлом бўлиши ҳақида унинг болалигидан ўргатиб бориш зарур. Бугунги куннинг устувор сиёсати ҳам одамларнинг соғлиғига ва соғлом турмуш тарзига бўлган мотивациясини ўргатиш ва тарбиялашнинг асосий шarti эрта болалиқдан тегишли соғлиқни сақлаш маънавиятини мунтазам равишда тарбиялашдир: жисмоний – ҳаракатни назорат қилиш; физиологик – танадаги жараёнларни назорат қилиш; психологик – ўз ҳис-туйғуларини ва ички ҳолатини назорат қилиш; интеллектуал – ижобий ахлоқий ва маънавий қадриятларни англашга

оид қарашлари ва фикрлашини бошқариш. Буларнинг барчаси жамиятнинг муҳитини соғломлашишига олиб келади.

Инсонни ўраб турган муҳит табиий муҳитни, инсон томонидан яратилган сунъий муҳитни ва ижтимоий муҳитни ўз ичига олади.

Ҳар куни ўз маконида яшаб, пиёда юриб, ишлаб, ўқиб юриб, инсон энг кенг кўламли эҳтиёжларни қондиради. Инсон эҳтиёжлари тизимида (биологик, психологик, этник, ижтимоий, меҳнат, иқтисодий) яшаш муҳити экологияси билан боғлиқ эҳтиёжларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар орасида табиий муҳитнинг қулайлиги ва хавфсизлиги, экологик тоза ўй-жой, ахборот манбаларининг мавжудлиги (санъат асарлари, жозибали ландшафтлар) ва бошқалар.

Табиий ёки биологик эҳтиёжлар – бу инсоннинг қулай муҳитда жисмоний мавжудлигини таъминлайдиган эҳтиёжлар гуруҳи – бу бўш жойга, яхши ҳавога, сувга ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёж, яшаш учун мос, таниш муҳитнинг мавжудлиги. Биологик эҳтиёжларни экологизация қилиш экологик тоза ҳудуд муҳитини яратиш ва ҳудудда табиий ва сунъий табиатнинг яхши ҳолатини сақлаш зарурати билан боғлиқ. Аммо замонавий йирик ҳудудларда ҳар бир инсон учун зарур бўлган атроф-муҳитнинг етарли ҳажми ва сифати мавжудлиги ҳақида гапириш қийин масаладир.

Сўнги йилларда аҳоли яшаш жойларида саноат ишлаб чиқарилиши кўпайиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кескин ошди. Бу эса аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, шаҳар муҳити инсон учун зарур бўлган экологик муҳитни ўзгариши одамларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аммо шунга қарамай, биз ишонч билан айтишимиз мумкинки, саноатлаштириш ва ўз-ўзидан урбанизация натижасида инсон аста-секин ҳиссий органлар учун “тажовузкор” бўлиб, кўп миллион йиллар давомида табиий муҳитга эволюцион тарзда мослашмоқда. Энг тез-тез учрайдиган юрак-қон томир ва эндокрин касалликлардир, аммо турли касалликларнинг бутун мажмуаси мавжуд бўлиб, уларнинг сабаби иммунитетнинг умумий пасайиши ҳисобланади. Ижтимоий-маънавий муҳитда ҳам маънавий иммунитет шундай. Яъни, таҳдид ва иллатлар муҳитни соғлом бўлишига таъсирини ўтказади. Натижада иммунитетни пастлашишига олиб келади. Шунингдек, шаҳар ҳудудларида кенгликлар, дам олиш масканлари жуда кам бўлиб, одамларнинг кайфиятига таъсир қилади. Кўп қаватли уйлар ва офислар кўплигига қарамай аҳоли бунга мослашишга мажбур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ҳудудлардаги маънавий-маърифий муҳит харитаси яратилиши зарур. Зеро, республикада олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашни, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган маънавий таҳдидлар аҳолининг турли қатламларига таъсирини ёш ва хусусиятларига қараб классификациялашни, ҳудудларда олиб борилган маънавий-маърифий муҳит ҳолатини аниқлаш натижаларига кўра, “Маърифат” тарғибот жамияти томонидан тарғибот ишларини режалаштиришда халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва

миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизни маънавий қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши курашишга, мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтиришни тақозо қилмоқда¹¹².

Хуллас, “Ижтимоий-маънавий муҳит” ва “Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш”, “Ҳаёт тарзи”, “Турмуш тарзи” каби тушунчалари илмий манбаларда етарлича таърифлар берилмаган. Ушбу тушунчалар инсон ҳаёти фаолиятини акс эттирувчи ва таъсир кўрсатувчилик хусусиятига эга бўлиб, уни яратишда инсон – оила – жамият – давлат тамойилига таянилади. Улар соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни ташкил қилишда бевосита боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Шунингдек, бир-бири билан узвийликда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳитни яратади. Яратилган сиёсий, ижтимоий-маънавий соғлом муҳит оилаларнинг мустаҳкамланишига, одамларнинг давлат сиёсатига ишончи ортишига таъсир кўрсатади. Шу ўринда, соғлом ижтимоий-маънавий муҳит давлат ва фуқароларнинг муносабатларига боғлиқлиги, инсон онги ва тафаккурининг ҳолатига ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

¹¹² Қодиров А. Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ижтимоий педагогик технологиялари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси. 2022 йил.